



O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

IMOM BUXORIY SABOQLARI

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal



25
2000-2025 YOSHDA
JURNAL

2025/2



www.bukhari.uz

№2
2025

IMOM BUXORIY SABOQLARI

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal



Batafsil BUKHARI.UZ saytida

27-may kuni Samarqand shahrida “Islom dunyosining ma’naviy merosi va madaniy ifodalari: xattotlik, musiqa, she’riyat va hamjihatlik” mavzusida xalqaro forum bo’lib o’tdi. Samarqand – 2025-yilda Islom dunyosining madaniy poytaxti deb e’lon qilinishi munosabati bilan ICESCO tashabbusi bilan tashkil etilgan nufuzli anjumanda a’zo davlatlarning madaniyat ishlari vazirlari, xalqaro tashkilot va muassasalar rahbarlari, O’zbekiston hukumati vakillari qatorida Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi direktori Shovosil Ziyodov ham ishtirok etdi.

TAHRIR HAY’ATI

- Akmal SAIDOV – yuridik fanlari doktori, akademik
- Shayx Nuriddin XOLIQAQAZAR – O’zbekiston musulmonlari idorasi raisi, muftiy
- Firdavs ABDUXOLIQOV – Islom sivilizatsiyasi markazi direktori, san’atshunoslik fanlari doktori
- Davronbek MAXSUDOV – tarix fanlari doktori, professor
- Ahadjon HASANOV – tarix fanlari doktori, professor
- Bahrom ABDUHALIMOV – tarix fanlari doktori, professor
- Baxtiyor TURAYEV – falsafa fanlari doktori, professor
- Baxtiyor KARIMOV – falsafa fanlari doktori, professor
- Ilhom SAIDOV – tarix fanlari doktori, professor
- Zohidjon ISLOMOV – filologiya fanlari doktori, professor
- Zohidullo MINAVVAROV – siyosiy fanlar doktori, professor
- Jamoliddin KARIMOV – tarix fanlari bo’yicha falsafa doktori
- Nodirjon ABDULAHATOV – tarix fanlari doktori
- O’ktambek SULTONOV – tarix fanlari doktori
- Baxtiyor ERGASHEV – tarix fanlari doktori
- Amriddin BERDIMURODOV – tarix fanlari nomzodi
- Mahmud NASRULLAYEV – tarix fanlari nomzodi, dotsent
- Sarvar ABDULLAYEV – falsafa fanlari nomzodi, dotsent
- Shahzod ISLOMOV – tarix fanlari bo’yicha falsafa doktori
- Otabek MUHAMMADIYEV – tarix fanlari bo’yicha falsafa doktori, katta ilmiy xodim

- Ashirbek MO’MINOV – tarix fanlari doktori, professor (L.N. Gumilev nomidagi Yevroosiyo milliy universiteti)
- Devin DeWeese – Indiana universiteti professori, yozuvchi (AQSH)
- So’nmez KUTLU – Anqara universiteti professori, ilohiyotchi (Turkiya)
- Ingeborg BALDAUF – Humboldt nomidagi Berlin universiteti professori (Germaniya)

IBXITM Ilmiy kengashining 2025-yil 26-fevraldagi 1-sonli yig’ilish qarori bilan nashrga tavsiya qilindi.



MUASSIS:

O’zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
**IMOM BUXORIY XALQARO
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI**

Bosh muharrir:
Shovosil ZIYODOV

Muharrir o’rinbosarlari:
**Otabek MUHAMMADIYEV,
Sanjarbek DJUMANOV**

Musahhihlar:
**Anvar BOBOYEV,
Asliddin MUSTAFOYEV**

Sahifalovchi-dizayner:
Muhammadiqbol SHUKUROV

**Azim ZOYIROV,
Rustam MAHMUDOV**
olgan suratlardan foydalanildi.

*Jurnal O’zbekiston
Respublikasi Vazirlar
Mahkamasi huzuridagi
Oliy attestatsiya
komissiyasining ilmiy
jurnallar ro’yxatiga kiritilgan.*

**MAQOLADA KELITIRILGAN
MA’LUMOTLAR UCHUN
MUALLIF MAS’UL.**

Шовосил ЗИЁДОВ. Ўзбекистонда маънавий ислохотларнинг янги босқичи бошланмокда (Акс-садо).....2

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Манзила ҚУРБОНОВА, Шавкат БОБОЖОНОВ. Ялдо туни – кишки қуёш байрами.....5

Маҳмуд НАСРУЛЛАЕВ, Шербек РАВШАНОВ, Одил ЭРГАШЕВ. Кўксарой тарихига чизгилар.....9

Хайдар ЮЛДАШХОДЖАЕВ. Марказий Осиёда мангитлар ҳукмронлиги даври: Амир Шоҳмурод ислохотлари.....13

Dilora RADJABOVA. Rossiya sharqshunosligida Qur'oni karimning dastlabki o'rganilishi tarixidan (tarixshunoslik tahlili).....16

Mastura SIDDIQOVA. Samarqanddagi Go'ri Amir maqbarasining tarixiy ziyoratgoh sifatidagi o'rni.....20

Otabek ALLAYAROV. Turkistonda yer va davlat mulki boshqarmasi hamda uning Samarqand viloyatidagi faoliyati.....23

Usmonxon MUHAMMADIEV. Носуриддин Самарқандийнинг Самарқанд фикҳ мактабида тутган ўрни.....26

Rustambek NARZIYEV. Samarqand viloyat ko'zi ojizlar maxsus kutubxonasi tarixi.....30

Парвина РАҲМОНОВА. Аштархоний ҳукмдорларнинг Самарқандда амалга оширган ободончилик ишлари.....33

Sirojbek ALLANAZAROV. Xorazm Xalq Sovet Respublikasida xalq maorifi masalalari.....36

Анвар ЮСУПОВ. Туркистонда Афросиёб мероси.....39

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Gulchehra NAVRO'ZOVA. Bahouddin Naqshband ruboiylarida o'zlikni anglash masalasi.....45

Qobiljon ZOHIDOV. O'rta asr adabiyotida islom tarixi mavzusi tahlili.....48

Burxon AXMEDOV. Alloma Abu Bakr Jassos hayoti va ilmiy unvonlari.....53

Mu'tabarxon MADAYEVA. Alisher Navoiyning "Sab'ai sayyor" dostonida arab leksik qatlamining tahlili.....57

Жаҳонгир НЕЪМАТОВ. Мусхафдаги вақф аломатларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи.....59

Bahodir MIRZAYEV. Hadis qabul qilib olish va yetkazishda Abu Ja'far Mustag'firi qo'llagan so'zlar tahlili.....61

Абдувоси ШОНАЗАРОВ. Имом Бухорийнинг "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" асарининг ислом илмлари ривожига қўшган ҳиссаси.....63

Қодирхон МАҲМУДОВ. Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Ҳиббоннинг "Саҳиҳ"идаги фикҳий қарашлари.....67

Mahmud ABDURAXMONOV. Abu Dovudning "Sunan" asarida kelgan hadis atamallari tahlili.....70

Абдуғулом МЕЛИБОЕВ. Маҳбубийлар онласи илмий мероси.....74

Nurmuhammad MATKARIMOV. Tasavvuf tarixidagi unutilmas shaxs: Najmiddin Kubro.....78

НОДИР МАНБАЛАР

Алоуддин НЕМАТОВ. Имом Мотуриддиннинг намозда "Басмала"ни айтиш ҳақидаги фикҳий қарашлари.....81

Nodir QOBILOV. Imom Buxoriyning "Sahihul Buxoriy" asarida qo'llagan ado lafzlarining istilohiy tahlili.....84

Йўлдошхон ИСАЕВ, Ихтиёр ҚУШШАҚОВ. "Сулосиётул Бухорий"нинг нодир қўлёзма нусхалари.....86

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Хабибулло САГДИЕВ, Баходир БОТИРОВ. Исломнинг дунёда тинчликни сақлашдаги ўрни.....89

Зиёдилла ЗИНАТУЛЛАЕВ. Араб халифалиги девон тизимининг шаклланиш босқичлари.....93

Муҳаммадсиддик УСМОНОВ. Амал ва қалб уйғунлиги.....96

Отабек БАХРИЕВ. Абдулхай Лакнавий фикҳий меросининг ўрганилиши.....98

Бобурмирзо БОТИРОВ. XI-XIII асрларда Мовароуннаҳрда инсон ҳуқуқлари тушунчаси.....100

Тохир ВОХИДОВ. Араб тили ва унинг лаҳжалари.....106

ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ

Habibullo SADIBAQOSEV. Zamonaviy xalqaro munosabatlar tizimida Xitoyning geosiyosiy va geoiqtisodiy ahamiyati.....109

Xusniddin AXMEDOV. Bugungi diniy-ma'rifiy islohotlar – davlat siyosatining din sohasidagi ustuvor yo'nalishi sifatida.....112

Suhrob BO'RANOV. Islom omilining "Tolibon" harakati paydo bo'lishiga ta'siri.....115

Одилжон ЭРНАЗАРОВ. Жамиятда диннинг инсон-парварлик моҳиятини ёритиш диний соҳадаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида.....119

Жасур САВРИЕВ. Зарафшон воҳасининг зиёратгоҳ ва қадамжоларида туризм хизматларини ривожлантириш истикболлари.....121

Matluba YULDASHEVA. Milliy mentalitetni – g'oyaviy-mafkuraviy va ijtimoiy-madaniy hayotdagi o'rni.....124

Bobur MELIQULOV. O'zbekiston Respublikasi milliy siyosatining huquqiy asoslari.....126

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Ro'zimuhammad TO'XTASINOV. Ibn Sinoning tafsir ilmidagi falsafiy qarashlari (Ixlos surasi misolida).....130

Jobir ELOV. Imom Buxoriyning "Al-Adab al-mufrad" asarida ilm va adab tushunchalarining falsafiy tahlili.....133

Pulotjon QAXOROV. Axloqiy estetik qadriyatlarning inson qadri va ma'naviyati masalalarida o'zaro ta'siri.....139

Руфат АХМЕДОВ. Муҳаммад Закариё Розийнинг фалсафий антропологияси.....141

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Аббос ДЎЛАНОВ. Янги Ўзбекистон ёшларининг бунёдкорлик салоҳияти.....144

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Maftuna NAMOZOVA. Radikallashuv bosqichlari va darajalari.....147

БИР ҲАДИС ШАРҲИ

Икки афзал ҳислат.....150



АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ДЕВОН ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ушбу мақолада Арабистон яриморлида ilk ислом давлатининг вужудга келиши, хулафои рошидин даври ҳамда Араб халифалиги бошқарув тизимининг шаклланиш жараёнлари бирламчи манбалар ва илмий адабиётлар асосида тадқиқ этилган. **Таянч сўзлар:** Макка, Ясриб, Мадина, шаҳар-давлат, халифа, халифалик бошқаруви.

The article examines the emergence of the first Islamic state in the Arabian Peninsula, the period of the Rashidian caliphate and the formation of the ruling system of the Arab Caliphate on the basis of primary sources and scientific literature. **Keywords:** Mecca, Yathrib, Medina, city-state, caliph, caliphate administration.

В статье на основе первоисточников и научной литературы рассматривается возникновение первого исламского государства на Аравийском полуострове халифата и формирование системы Арабского халифата. **Ключевые слова:** Мекка, Ясриб, Мадина, город-государство, халифа, управление халифата.

Кириш. Инсоният тарихида катта ўзгаришларга сабаб бўлган ва бутун дунёга ўзининг ижобий таъсирини кўрсата олган Ислом цивилизацияси Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан алоҳида эътироф этилади. Бу цивилизация нафақат сўнгги дин экани билан, балки ўзига хос давлат бошқаруви, қонунчилиги, иқтисоди ва илм-фанга эътибори билан бошқа цивилизациялардан тубдан фарқ қилади.

VII асрда ислом динининг вужудга келиши ва унинг таъсирида шаклланган янгича турмуш тарзи ҳамда бошқарув тизими Яқин Шарқ халқлари ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Бу кейинчалик Ўрта Шарқда йирик араб-эрон-турк ислом давлатлари вужудга келишига асос бўлди.

Тадқиқот методологияси. Мазкур мақолада тарихий тадқиқотнинг қиёсий таҳлил, даврлаштириш ва структуралли тизимли усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. VI аср охири – VII аср бошларида Арабистон ярим оролида уруғ-қабилавий тузум барҳам топди. Энг яхши ерлар, энг кўп чорва ҳайвонлари ва қулларга эғалик қилувчи қабилла бошлиқлари мавкеи ниҳоятда пасайиб кетди. Бу ҳолат Ҳижозда кенг ёйилди. Макка ва Ясриб (Мадина) минтақанинг йирик савдо марказларидан бўлиб, Шомдан Ямангача чўзилган карвон йўли айнан шу шаҳарлар орқали ўтарди. Қабилалар уруғларга бўлингани ҳолда уруғ бошлиқлари савдогарларнинг энг йириклари ва бойлари ҳисобланар эди.

Минг йиллар давомида тарқоқ ҳолда яшаб келган араб қабилалари VII асрнинг биринчи чорагига келиб бирлашди. Макка шаҳрида вужудга келган, сўнгги дин – ислом араблар бирлашувида ягона ва асосий омил бўлди. Расулulloҳ алайҳиссалом Маккадан Ясрибга ҳижрат қилиб, Мадина шаҳрига кириб келганларидан сўнг [5:385], Ясриб “Мадина-тур-Расул” (Элчининг шаҳри), қисқароқ қилиб, Мадина дейишга бошланди [7:216]. Мадинага ҳижрат ислом тарихида бурилиш ясади ва янги даврни бошлаб берди. 636 йили халифа Умар ибн Хаттоб бу ҳодиса аҳамиятини ҳисобга олиб, ҳозирги кунда ҳам мусулмон дунёсида амалда бўлган ҳижрий тақвимга асос солди [10:247]. Мадинада Муҳаммад алайҳиссалом атрофларида бирлашган муҳожирлар ва ансорлардан иборат мўминлар жамоаси – умма шаклланди. Бу жамоа аввалдан мавжуд бўлган қариндош-уруғчилик асосида эмас, балки ягона ислом таълими асосида қарор топди. Умма демократик ташкилот бўлиб, Муҳаммад алайҳиссалом жамоанинг ҳам диний, ҳам ҳарбий йўлбошчиси эдилар [8:68].

Ҳижратнинг дастлабки кунлариданок Муҳаммад алайҳиссалом, муҳожир ва ансорлар ўртасида битим тузилди. Ушбу битимда яҳудийлар билан ўзаро келишиб, аҳдлашилди. Улар ўз динида қолиб, мол-мулкига

тегилмади. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган. У қуйидаги мазмунда бошланади: “Бу Муҳаммад алайҳиссаломнинг қурайшлик ва ясриблик мўмин-мусулмонлар ҳамда уларга эргашган, уларга келиб қўшилган, улар билан жанг қилганлар ўртасидаги битимдир. Юқорида зикр этилганлар ўзга инсонлардан фаркли равишда ягона умматдир” [5:393].

Битимнинг 16 та банди мусулмонларга, 12 та банди Мадинадаги мусулмонларга энг яқин қўшни бўлган яҳудийларга тааллуқли эди. Ушбу битим туфайли Мадина ва унинг атрофи тинч-тотув давлатга айланди, унинг пойтахти Мадина шаҳри бўлиб, таъбир жоиз бўлса, давлат бошлиғи Муҳаммад алайҳиссалом эдилар, ундаги нуфуз ва ҳукмронлик мусулмонлар қўлида бўлди [7:238].

Пайғамбар алайҳиссаломнинг Мадинадаги биринчи ишлари масжид (Масжиди Набавия) қуриш бўлди. Бунинг учун туялари чўккан жой танланди. Мазкур масжид фақат намоз ўқиладиган жойгина бўлиб қолмасдан, ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турадиган марказ, маслаҳат ва ижроия мажлислари ўтказиладиган даргоҳ вазифасини ҳам ўтарди [7:229].

Макка мушриклари ва мадиналик мусулмонлар ўртасида 628 йилда Ҳудайбия сулҳининг имзоланиши Мадинада ташкил этилган ilk ислом давлатининг ўша давр йирик империя ва давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатиш имконини берди.

Бу тарихий жараёнга тарих фанлари доктори, профессор Аҳаджон Ҳасанов қуйидагича фикр билдирган: “Ҳудайбия сулҳи ўз аҳамияти жиҳатдан ҳар қандай жангдаги ғалабадан юқори туради. Агар, айтишлик, Бадр жанги ғалабасидан сўнг ilk ислом давлатининг биринчи пойдеворида асос солинган бўлса, Ҳудайбия сулҳидан сўнг бутун Арабистон яриморлини ислом байроғи остида бир давлатга бирлаштириш имконияти очилди” [10:295].

Шунингдек, ушбу сулҳдан сўнг Византия, Сосонийлар Эрони, Ҳабашистон, Миср подшоҳлари, Баҳрайн, Ямома, Дамашқ ҳокимларига мактуб йўлланиб, исломга даъват этилди. Уларнинг баъзилари қабул қилди, бошқалари инкор этди. Бу орқали уларга ўзлари ва динларини танита олдилар ҳамда уларнинг муносабатлари билиб олинди.

Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) нафақат арабларга, балки бутун инсониятга Пайғамбар эътиб юборилгани сабабли, улар бошлаган тарғибот уларнинг издошлари – халифалар томонидан давом эттирилди.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг ворислари ҳисобланган халифалар ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокимиятга эга бўлди. Бартольд: “Фақат “диндор халифалар давридагина Араб халифалигидаги олий ҳокимият теократик хусусиятини сақлаб қолди. Бу даврда халифалар фақат диний раҳбарлар



(имомлар) эмас, шу билан бирга, ҳарбий раҳбарлар ҳам (амирул мўминин) бўлиб қолди” [3:18]. Шу ўринда Бартольднинг илмий меросини ҳурмат қилган ҳолда шу айтиш жоизки, амирул мўминин атамаси фақат халифа Умар ибн Хаттоб давридан бошлаб қўлланган эди.

Абу Бакр Сиддиқнинг икки йилу уч ойлик халифалик даврида амалга оширилган ишлар асосан Пайғамбар вафотидан кейин исломдан қайтган муртадларга қарши олиб борилган “Ридда урушлари”, Қуръони каримнинг жам этилиши ҳамда Ироқ ҳудудларида ҳарбий ҳаракатларнинг бошланиши билан тавсифланади.

Кейинги рошид халифалардан Умар ибн Хаттоб даври ўзининг оламшумул ислохотлари ва давлат бошқаруви асосларининг тўлиқ шаклланиши билан ажралиб туради.

Халифа Умар ибн Хаттобнинг мўминлар амири, уларнинг бош раҳбари сифатида олиб борган ишлари фақатгина намозда имомликка ўтиш, узоқда туриб шимол тарафда кетаётган фатҳ ишларини бошқаришдангина иборат бўлмаган. У кишининг асосий мақсади Қуръони карим ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг суннатлари, шарият таълимотлари асосида дунёдаги энг мукамал, ҳаётнинг барча соҳаларида энг намунали жамият қуришни таъминлаш эди. Бунинг далили сифатида XX аср охирида ғайримусулмон мутахассислар томонидан инсоният тарихида жамиятларга энг кўп фойда келтирган шахсларнинг исм-шарифлари тузилган рўйхатнинг тўртинчи ўрнида Умар ибн Хаттобнинг жой олгани бежиз эмас [12:427].

VII асрнинг 20–30 йилларига келиб илк ислом давлати тўла шаклланди ва ислом қўшини ташкил этилди. Улар исломни қабул қилган халқларни ягона ислом байроғи остида бирлаштириб, ўз даврининг икки йирик империялари Рум (Византия) ва Форс (Сосонийлар Эрони) ҳудудларига қариб борди. Ҳарбий юришлар натижасида VII аср ва VIII асрнинг биринчи ярмида Рум ва Форс қўли остидаги улкан ҳудудлар бўйсундирилди.

Халифаликда илк бор девон¹лар халифа Умар ибн Хаттоб даврида жорий этилган бўлиб, унда давлатдан нафақа олиш ва аскарларга маош бериш билан боғлиқ рўйхатлар шакллантирилган [1:340]. Абу Бакр Сиддиқ даврида ал-фай (ўлжа) ўша заҳоти тарқатиб юборилган. Умар ибн Хаттоб даврига келиб, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий шакли тубдан ўзгартирилди. Халифа девонларни бир ерга бирлаштириш мақсадида байтул мол ташкил этди. Давлатнинг барча сарф-харажатлари: ҳарбий салоҳиятни ошириш, ижтимоий таъминот ва қурилиш ишлари учун маблағ байтул молдан олина бошлади. Буларнинг барчаси байтул молга халифа Умар ибн Хаттоб даврида асос солинганини англатади [9:127].

Шарият қонунларига кўра, давлат ерларида ишловчи барча ер эгалари ва деҳқонлардан хирож олиниши мажбурий бўлиб, бу ерлардан келадиган даромад ҳарбийлар, амалдор ва хизматчиларга маош тўлаш, шунингдек, Муҳаммад алайҳиссалом авлодларига нафақа тўлашга ишлатилган [4:122].

Умар ибн Хаттоб ижтимоий таъминот масалаларида ҳам мисли қўрилмаган ишларни амалга оширди. Хусусан, Пайғамбар аёллари, Бадр ва Ухуд жанги қатнашчилари, Ҳабашистонга ҳижрат қилганларга, Макка шахрининг олиниши ва ундан кейинги жангларда иштирок этганларга, аскарларнинг бевалари ва етим болаларга нафақалар тайинланди. Шунингдек, қарияларга, аввалига сутдан ажратилган, кейинчалик эмизикли гўдакларга ҳам

нафақалар жорий этилиши, офатга учраганларга ёрдам кўрсатиш, бир ўлкадан бошқа ўлкага инсонпарварлик ёрдамини ташкил этиш каби оламшумул тадбирлар ҳам илк бор Умар ибн Хаттоб давридан бошлаб амалга оширилган [12:444].

Абу Бакр Сиддиқ даврида Мадина ва унинг атрофидаги ҳудудларга омил²лар ёнига алоҳида садақалар омили мансабдори ҳам қўшилган. Халифа Умар ибн Хаттоб даврида Мадина шаҳар давлати таркибига кўплаб ҳудудлар кириши билан омиллар устидан волий тайинлана бошланди. Ҳудудлардаги волийлар шаҳар омилини ўзи тайинлар, бироқ хирож омилини халифанинг ўзи тайинлар эди [9:133]. Улар Араб халифалиги маъмуриятида хизмат қилувчи амалдор, иқтисодий ва молиявий масалалар ҳамда аҳолидан солиқ тўловларини йиғиш билан шуғулланган [1:151].

Умар ибн Хаттоб даврида давлат канцеляриясининг кенгайиб бориши билан котибларга бўлган эҳтиёж ортиб борди. Натижада, котиблик девони ҳам ташкил этилди. Кейинчалик, умавийлар даврига келиб, бундай котиблар сони бештага етди: мактублар котиби, ҳарбий котиб, хароҷлар (хирож) котиби, шурта хизмати котиби, қозилик котиби шулар жумласидандир [9:133].

Кейинги рошид халифалардан Усмон ибн Аффон даврида ҳам давлат бошқаруви ишларида сезиларли тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, халифа Умар давридаги каби вилоятларга қозиларнинг тайинланиши, камбағал аҳоли умумий фойдаланиши учун жамоа ерларининг кенгайтирилиши, шаҳарларда миршаблик лавозимларининг жорий этилгани шулар жумласидандир [12:475].

Маҳаллий давлат органлари бошқарувида девонлар муҳим ўрин тутган. Давлат иш юритиш ишлари барча ҳудудларда араб тилида олиб борилган. Девонларнинг алоҳида вазифа ва функциялари мавжуд бўлган.

1) Ҳарбий ишлар девони, 2) Ички ишлар девони 3) Почта ва алоқа ишлари девони шулар жумласидандир [8:73].

Ҳарбий ишлар девони қўшин таъминоти ва қуруллантириш билан шуғулланган. Унда доимий қўшин рўйхатга олиниб, уларнинг маоши ва ҳарбий хизмати учун тақдим этиладиган мулк миқдорини белгиланган. Жизя, закот, ушр каби солиқлар миқдорини белгилаш ва ҳисобга олиш ишлари билан молия девони шуғулланган. Почта ва ҳукумат юкларини етказиб бериш билан махсус почта хизмати девони шуғулланган. Ушбу девон йўл, қарвонсарой ва кудуқлар қурилишига ҳам масъул бўлган. Бундан ташқари, ушбу девон махсус полиция функциясини ҳам бажарган [6:501].

Араб халифалигининг улкан ҳудуд бўйлаб ёйилиши ва ислом динининг кўплаб халқлар томонидан қабул қилинишига айнан кенг миқёсдаги ҳарбий ҳаракатлар ва исломни қабул қилганларнинг жизя солиғидан озод этилиши сабаб бўлган дейиш ўта ҳатодир. Тўғри, баъзида шундай ҳолатлар ҳам бўлган. Бироқ ижтимоий адолат, тенглик, ислом маърифати ислом дини моҳиятини ўша халқларга намоён қилган.

Халифаликда барча соҳалар давлат томонидан тартибга солиб борилган. Қатъий белгиланган синфий гуруҳларнинг йўқлиги, шаҳарлар учун алоҳида маком берилгани, дастлабки даврларда забт этилган ҳудудлардаги аҳолига

¹ Девон – араб. “шеърлар тўплами”, шунингдек, “ҳисоб-китоб дафтери” “давлат идораси”, “муассаса”, яъни иш юритиш ва ёзишмалар билан шуғулланувчи ташкилот.

² Омил – араб., “хизматчи”, “ишчи”, дастлаб Муҳаммад алайҳиссалом исломни қабул қилган қабила ёки шаҳар аҳлига дин асосларини ўргатиш учун муаллимлар тайинлар эди. Кейинчалик муаллимлар мансаби омил мансаби билан ўзгартирилган. Абу Бакр Сиддиқ даврида омиллар ёнига алоҳида садақалар омили мансабдори ҳам қўшилган. Улар закотларни йиғиш билан шуғулланган.



нисбатан бағрикенглик асосида муносабатда бўлингани ва уларнинг ўз бошқарув шакли, тили ҳамда судини сақлаб қолишига имконият берилиши [6:500] ислом адолатидан ўзга нарса эмас. Кейинчалик улар халифаликнинг адолатли сиёсатидан баҳраманд бўлиб, кўнгли исломга мойил бўлиш ҳолатлари ҳам кўп кузатилган. Хусусан, Умар ибн Абдулазиз даврида Шимолий Африка барбарларидан тортиб, олис Ҳиндистоннинг асилзода инсонларидан олти миллиондан ортиқ киши ўз ихтиёри билан мусулмон бўлди [2:93].

Умавийлар даврида девон ишлари яна ҳам такомиллашиб, бошқарув тизимининг таркибий қисмига айланган. Янги-янги ерларнинг фатҳ этилиши, ўлжа сифатида, шунингдек, хирож ва жизя шаклида келиб тушган катта маблағлар уларни рўйхатга олиш ва тартибга солишни тақозо этган эди. Араб халифалиги бошқарув тизими Сосонийлар давлати бошқарув тизими асосланган. Дастлаб девон ишлари асосан ўрта форс (пахлавий) тилида юритилган бўлиб, уларда форс, юнон ва оромийлар ишлаган. Умавийлар даврида халифалик маъмуриятида 10 та девон бўлган. Жумладан, девон ал-муставфий (ёки хазинадор) молия ишлари, девон соҳиб аш-шурф – ҳарбий ишлар, девон ал-иншо (ёки амид ал-мулк) – расмий ҳужжат ва ёзишмалар, девон соҳиб ал-барид – ҳукумат ёзишмаларини ташиш, девон ал-арз – қўшин таъминоти, девон ал-мухтасиб – бозор масалалари ва нарх-наволарни назорат қилиш, девон ал-қозий – қонунга риоя қилишни назорат қилиш, девон ал-мушрифин – ғазнадаги пулларнинг сарфланишини назорат қилиш, девон ад-диа – ҳукуматга қарашли ерларни назорат қилиш, девон ал-вақф – диний ташкилотларга қарашли ерларни назорат қилиш билан шуғулланган [1:340].

Умавийлар даврида вазир лавозими жорий қилинмаган бўлса-да, унинг вазифаларини “Котибул кутуб” яъни “Девон бошқарувчиси” бажарган. Шунинг учун ҳам Аббосийлар ҳукмронлиги аввалида “вазир” лавозимидаги шахс олим ва уламолардан танлаб олинган. Ал-Фадл ибн Саҳл олим ва уламолар орасида биринчи бўлиб вазирлик ва ҳарбий иш каби иккита вазифани бирлаштирган. Бу ҳолат ҳарбий шароит билан боғлиқ эди. Юқори ваколатларга эга бўлган теократик давлатнинг вазири ўзида нафақат ҳокимият, иқтисодий ва маданий соҳаларни, балки сиёсий-ҳарбий масалаларни ҳам ҳал этишда ваколатли бўлиши керак эди. “Вазир” лавозими одатда мерос қилиб қолдирилган. Аббосийлар халифалигида диний ва маданий масалалар асосан форсларга, ҳарбий ва маъмурий ишлар эса туркларга топширилган. Кейинроқ турклар девон ишларини ҳам ўз зиммасига олган [11:126].

Умавий халифалардан Марвон ибн Ҳакам бутун халифалик ҳудудларида халқаро савдода динар, солиқ йиғимлари учун дирҳамни ягона пул бирлиги сифатида жорий этган. Қадимдан маданият марказлари бўлиб келган Месопотамия, Сурия ва Миср ҳудудларида араблар келган вақтда феодал жамият шаклланаётган эди. Ушбу ҳудудларда ислом дини ва араб тилининг жорий этилиши асносида арабларнинг ибтидоий жамоа тузуми барҳам топди [8:70].

Марвон ибн Ҳакам вафотидан сўнг унинг ўғли Умавийлар (Марвонийлар) сулоласининг бешинчи араб халифаси Абдумалик ибн Марвон (65-86/685-705) давлат ишларини тартибга солди. Унинг ҳукмронлиги даврида форс ва юнон тилларида иш юритиб келган девонлар араб тилига ўтказилди. Араб алифбосидаги ҳарфлар қўшимча нуқта ва ҳаракатлар билан тўлдирилди. Исломда ilk марта олтин динар тангалар зарб этила бошланди [1:210]. Унгача халифаликда юқорида ҳам айтиб ўтганимиздек, Умар ибн

Хаттоб давридан бошлаб фақат кумуш дирҳамлар зарб этилар эди.

Яна ҳудудларга тайинланган амирлар орасида ҳам пул зарб эттирганлари бўлган. Убайдуллоҳ ибн Зиёд Балхда биринчи бўлиб сосонийлар тангасига пахлавий ва араб ёзувлари зарб этилган “арабий-сосоний” тангаларини зарб эттирган. Улардаги пахлавий ёзувларда “Убайдуллоҳ ибн Зиёд”, араб ёзувларида эса “Басмала”, яъни мусулмонларнинг асосий калимаси “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим” деб ёзилган. Бу тангалар Балхда 62/681-682 йилда, яъни Убайдуллоҳ ибн Зиёд Хуросондан кетгандан кейин ҳам зарб этилган [1:210].

Аббосийлар сулоласига мансуб биринчи халифа Абул Аббос ал-Мутталиб ас-Саффоҳ (104-136/722-754) ислом давлатида биринчи бўлиб вазир лавозимини жорий қилган. Унинг ҳукмронлиги даврида девонларда “араб” сўзининг ўрнига “мусулмон” сўзи ишлатила бошлаган, чунки Аббосийлар халифаликнинг шарқий қисмида яшовчи араб бўлмаган халқлар – форс ва турклар (ал-ажам)нинг қўллаб-қувватлаши туфайли ҳокимиятга келган. Абул Аббос жуда ҳам сахий одам бўлган, илм-фан ва адабиётни яхши қўрган.

Сўнгги ва мукаммал дин бўлган ислом мусулмонлар мафқурасининг маънавий асоси бўлиш билан бир қаторда, сиёсий бирлашма, яъни умманинг шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бу омил Араб халифалигидан тортиб, кейинги даврларда Сомонийлар, Ғазнавийлар, Деҳли Султонлиги ва ҳатто Бобурийлар давлатида ҳам амал қилди. Шу билан бирга, Қуръони карим ва шариат ҳукмлари асосий қонун вазифасини ўтади ва ҳар қандай дунёвий тафаккурга асосланган бошқарув шакллари истисно қилди [6:497].

Тобора тез тарқалаётган ислом дини омма ўртасида катта кизикиш ва умид уйғотди. Чунки улар ўзининг аввалги дини, бут ва санамлари ижтимоий адолатни тиклаш, халқларни бир маслакда бирлаштиришга қодир эмаслигини англаб етди. Дастлабки ҳаракатлар бадавлат зодагонларни ваҳимага солиб қўйди. Лекин тез орада уруғ бошлиқлари ва нуфузли савдогарлар ҳам бирин-кетин исломни қабул қила бошлади [8:69].

Хулоса ва тақлифлар. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) Мадинада ilk ислом давлатини ташкил этганларидан сўнг, унинг асосини Қуръон ва суннат ташкил этди. İlk ислом давлатининг тобора кенгайиши забот этилган ҳудудларда ҳам шариатга асосланган бошқарув тизимининг қарор топишига олиб келди. Андалусияда VIII асрдан XVI асргача (Испания), Марказий Осиёда VIII асрдан XX асргача (Мўғуллар даври бундан мустасно), Шимолий Африка давлатлари, Миср, Усмонийлар давлатида VIII асрдан XX аср биринчи чорагигача, яъни Европанинг мустамлакачи империялари томонидан босиб олингунга қадар шариатга асосланган бошқарув тизими амалда бўлди. Яқин Шарқ (баъзи давлатларида), Эрон ва яна бир қатор давлатларда шариатга асосланган бошқарув тизими ҳозиргача сақланиб қолган.

Инсониятнинг бир неча минг йиллик тарихи давомида энг қадимги цивилизацияларининг баъзиларида кишилар жамоасининг дунёвий тафаккури ва кенгаши асосида бошқарув тизими ташкил этилган бўлса, баъзи давлатларда бир киши, яъни ҳукмдорнинг шахсий истаклари ва ҳавойи нафсидан келиб чиққан ҳолда давлат ишлари юритилган ҳамда қонунлар ишлаб чиқилган. Ислом дини вужудга келгач, унинг шаръий ҳукмлари асосида Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаларида давлатчилик асослари ташкил этилди. Жамиятнинг барча аъзолари манфаатларини тенглик асосида ифода этувчи қонунлар ишлаб чиқилиб, шу асосда давлатчилик тараққиётининг юқори босқичига эришилди.



Шу боисдан ҳозирги кунда ҳам мусулмон давлатчилик сиёсий бошқаруви, қонунчилиги ва солиқ тизими нафақат мусулмонлар, шунингдек, ғайримусулмон ҳуқуқшунос,

сиёсатшунос ва иқтисодчилар томонидан тадқиқ қилинмоқда.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абул Аббос Аҳмад ибн Яхё ал-Балазурий. Футуҳ ал-булдон. Хуросоннинг фатҳ этилиши / Сўз боши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Қамолiddин. – Т.: ТошДШИ, 2017.
2. Аҳмад Муҳаммад Турсун. Умар ибн Абдулазиз. – Т.: Қанус медиа, 2019.
3. Бартольд В.В. Халиф и султан. – Соч. – М., 1966, Т. VI.
4. Ибн Ҳавқал. Мовароуннахр / Ибн Ҳавқал: араб тилидан тарж, изоҳлар муаллифи Ш.С.Қамолiddин. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011.
5. Ибн Ҳишом ал-Маорифий. Абдумалик. Ас-сийра ан-Набавия. Таржимонлар гуруҳи: Нейматуллоҳ Иброҳимов, Абдулҳаким Орипов, Акмалжон Иброҳимжонов, Абдулҳамид Зайриев, Жаҳонгир Нейматов, Абдулвоҳид Аҳмадалиев. Биринчи жилд. 1-2 китоблар. – Т.: Шарқ, 2011.
6. История государства и права зарубежных стран: Ч. 1 / Под общ. ред. д. ю. н., проф. О.А.Жидкова и д. ю. н., проф. Н.А.Крашенинниковой. – 2-е изд., стер. – М.: Норма, 2004.

7. Мубораққурий. Софиюррахмон. Ар-роҳиқул махтум. ("Муҳрланган жаннат шароби"). Нашрга тайёрловчи: Файзуллоҳ Лутфуллоҳ ўғли. – Т.: Ғофур Ғулом, 2016.
8. Саидхмедов И. Давлат ва ҳуқуқ тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2006.
9. Ўзбекистоннинг давлат муассасалари тарихи // Масъул муҳаррир З.Саидбобоев. – Т.: Турон-Иқбол, 2019.
10. Ҳасанов А.А. Илк ислом тарихидан маърузалар. – Т.: Мовароуннахр, 2017.
11. Ш.Қамолiddин. Саманиды: из истории государственности Узбекистана в IX-X вв. – Т., 2019.
12. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ислам тарихи. 1-жиз – Т.: Ҳилал-Нашр, 2018.

Муҳаммадсиддиқ УСМОНОВ

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Қўлэмалар фонди директори

АМАЛ ВА ҚАЛБ УЙҒУНЛИГИ

Мақолада исломда амал ва қалб уйғунлиги масаласи муҳокама қилинган. Эҳсон – яъни ҳар бир ибодат ва амални гўзал тарзда адо этиши – мусулмоннинг асосий бурчи экани таъкидланган. Ислам шариатида амаллар нафақат таъқиқ ҳаракатлар, балки қалбдаги ихлос ва руҳий ҳолат билан ҳам боғлиқ экани қайд этилган. Шунингдек, ҳадис ва оятлар асосида амалларнинг қалб поклиги билан мустаҳкам боғлиқлиги ҳақида маълумот берилган. **Таянч сўзлар:** эҳсон, ҳисоб-китоб, амал, Имом Мотуридий, шариат.

The article explores the profound connection between actions and the heart in Islam. It emphasizes the concept of "Ehsan" – performing deeds with excellence and sincerity, both outwardly and inwardly. Citing Qur'anic verses and authentic hadiths, the text illustrates that true worship involves both physical acts and spiritual consciousness. The author details how every part of the body has assigned duties in Islam and how these acts should align with the heart's purity. **Keywords:** donation, calculation, action, Imam Moturidiy, sharia.

Статья посвящена глубокой связи между поступками и состоянием сердца в исламе. Основное внимание уделяется понятию "Эхсане" – совершению дел с искренностью и совершенством как внешне, так и внутренне. Приводя аяты из Корана и достоверные хадисы, автор подчеркивает, что истинное поклонение включает не только действия тела, но и осознанность сердца. Подробно описывается, как каждой части тела предписаны определённые обязанности, и как они должны соответствовать чистоте сердца. **Ключевые слова:** пожертвование, расчет, действие, Имам Мотуриди, шариат.

Кириш. Ислам шариатида бандадан ҳар бир ишни эҳсон билан, яъни гўзал тарзда маромига етказиб бажариш талаб этилади. Эҳсон мўминнинг амалларида акс этиши буюрилган бўлиб, бу инсоннинг дунё ва охиратда улкан савобни қўлга киритишига сабаб бўлади. Эҳсон – ибодат руҳидир. Хусусан, шаръий ҳукмларни мукамал бажариш, уларни нафақат тана аъзолари билан адо этиш, балки қалб ва руҳ билан ҳам ҳис қилиб туриш лозим. Инсон балоғат ёшига етгач, унга фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, ҳаром, макруҳ ва мубоҳ каби амаллар юклатилади. Мазкур амалларнинг манбаи Қуръон бўлиб, ҳадислар орқали шарҳлаб берилган. Фақиҳлар эса уларни турлар ва қисмларга ажратиш, ўрганишни осонлаштириб қўйган. Мазкур амалларнинг руҳияти эса тасаввуф вакиллари, яъни маънавий устозлар томонидан тартибга солинган.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолани тайёрлашда эҳсон маъноларини илмий тавсифлаш, қиёсий-тарихий ва манбавий таҳлил каби тадқиқот методларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Амал ва қалб. Аллоҳ таоло банданинг ҳар бир аъзоси учун алоҳида ибодатларни фарз қилиб қўйган. Жумладан, тилга ёлғон гувоҳлик бермаслик, Қуръон тиловат қилиш, инсонларга ғийбат, чақимчилик ва бўҳтон билан озор бермаслик, факат яхши сўзларни гапириш каби вазифаларни юклаган. Кўз, қулоқ, қўл, оёқ,

қорин ва аврат аъзоларига ҳам ўзига хос вазифалар белгиланган. Шунингдек, мазкур тана аъзоларининг амаллари банданинг қалбига мувофиқ бўлиши ҳам таъкидланган: "Огоҳ бўлинг! Жисмда бир парча гўшт бор! Агар у тўғри бўлса, жасаднинг барча аъзолари тўғри бўлади! Агар у бузилса, тана аъзоларининг барчаси бузилади! У қалбдир!" (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Шунингдек, Ҳофиз Абу Мусо Мадиний (р.а)дан ривоят қилинган куйидаги саҳиҳ ҳадисда ҳам шаръий ҳукмларни эҳсон билан бажариш лозимлиги яна бир бор таъкидланади: "Самра ибн Жундуб (р.а) шундай ривоят қилади: "Расулulloҳ (с.а.в) бир куни бизнинг олдимизга чиқдилар. Биз Мадинадаги суффада эдик. У зот бизга шундай дедилар: **"Мен кеча тунда ажойиб нарсани кўрдим! Умматиждан бир кишини кўрдим. Унинг ёнига ўлим фариштаси жон олиш учун келган эди. Шунда мазкур кишининг ота-онасига қилган яхшилиги келиб, ўлим фариштасини қайтариб юборди.**

Мен умматиждан бир кишини кўрдим. Унга қабр азоби жорий бўлаётган эди. Шунда мазкур кишининг таҳорати келиб, уни қабр азобидан қутқарди.

Мен умматиждан бир кишини кўрдим. Унинг атрофини шайтонлар ўраб олган эди. Шунда унинг





Batafsil **BUKHARI.UZ** saytida

Jazoir Islom fanlari va sivilizatsiyasi tadqiqotlari markazi rahbari Dr. Ahmad Sag'ir taklifiga binoan ayni kunlarda Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi direktori Shovosil Ziyodov va katta ilmiy xodim Shukurillo Umarov mamlakatimiz delegatsiyasi tarkibida Jazoir Xalq Demokratik Respublikasida ilmiy safarda bo'ldi.

2025-YIL UCHUN JURNALIMIZGA OBUNA BO'LING!

**O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi
huzuridagi Imom Buxoriy xalqaro
ilmiy-tadqiqot markazi rekvizitlari:**
O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G'aznachiligi
H/r: 23402000300100001010
INN (STIR): 201122919 **MFO:** 00014
Markaziy bankning Toshkent shahar XXXKM
SHHV: 400110860182247015100253001
INN (STIR): 207265166
Murojaat uchun telefon: (0366) 240 2019



**Obuna
indeksi –
№ 946, 947
Bir yillik
obuna narxi –
360 000
so'm**



MANZILIMIZ:

141306, Samarqand viloyati,
Payariq tumani, Xo'ja Ismoil shaharchasi.

E-mail: buxoriysaboqlari@bukhari.uz
Web-sahifa: www.bukhari.uz
Telefonlar:
(0366) 240-2019, (0366) 240-2011,
(+99899) 735-02-85

Bosishga 25.06.2024 yilda ruxsat berildi.
Qog'oz bichimi – 60x84 1/8.
Ofset bosma usulida bosildi.
Bosma tabog'i – 10. Adadi – 150.
Buyurtma № 14/12.
Nashr indekslari – № 946, № 947.
ISSN 2181-4791

Jurnal 2019-yil 8-aprelda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti
Administratsiyasi huzuridagi
Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan
№ 0057 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Bir yilda to'rt marta chop etiladi.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Tahrir hay'atining fikri muallif fikridan farq qilishi mumkin.


Jurnal andazasi tahririyatning kompyuter bo'limida
tayyorlandi.

Jurnal «SHABNAM SUPER PRINT» MCHJ
bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Samarqand shahri, Ziyokorlar ko'chasi, 1-uy.
Tel.: (+99890) 104-13-33.

DUNYODA ILMDAN BOSHQA NAJOT YO'Q VA HECH QACHON BO'LMAGAY.

Imom Buxoriy



Telegram: @bukhariuz | @buxoriysaboqlari



E-mail: buxoriysaboqlari@bukhari.uz